O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2010-yil ● 30-sentabr ● Payshanba ● 115 (31.235) ● (Tel. Faks) 233-12-56 ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!
Қадрли устозлар!

Авваламбор, сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Бугун дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган азиз устозларга самимий тилакларимизни изҳор этар эканмиз, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Муаллим зоти эзгулик ва маърифат йўлининг беминнат чароғбонидир» деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади.

Бундай юксак ва ҳаққоний баҳолар фарзандларимизни жисмоний ва маънавий етук, баркамол инсонлар этиб ўстириш, вояга етказишдек эзгу ва масъулиятли ишни ўз зиммасига олган юртимиздаги минг-минглаб жонкуяр устоз ва мураббийлар, ҳурматли домлаларимиз шаънига муносиб эканини барчамиз бугун чуқур англаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб қўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, бир сўз билан айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратаётган сиз азизларнинг кундалик олижаноб меҳнатингиз олдида таъзим этсак арзийди, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги байрамнинг «Баркамол авлод йили»да, унинг юксак мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда кенг нишонланаётгани бу айёмга алоҳида кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратиб, бор куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этмоқдамиз.

Моҳияти ва аҳамиятига кўра чиндан ҳам ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш дастури бугунги кунда ҳаёт синовидан ўтиб, ўз ҳосилини бераётгани, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани барчамизга ҳақли равишда ғурур-ифтихор бағишлайди.

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида — тарихан қисқа бир даврда эришган, шу жумладан, таълим ва маърифат соҳасида қўлга киритган ютуқ ва марралари ҳақида келтирилган маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш ва ҳавас уйғотди.

Энг муҳими, ана шу давр мобайнида чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширган улкан ишларимиз натижасида мамлакатимиз дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторида 12 йиллик мажбурий умумий ва ўрта махсус таълим тизимига ўтгани Ўзбекистонимиз эришган ютуқларнинг яққол тасдиғи сифатида қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда кейинги ўн-ўн икки йил мобайнида 1 минг 394 та касб-ҳунар коллежи, 142 та академик лицей, 9 минг 772 та мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлари янгитдан бунёд этилгани, реконструкция қилингани ва капитал таъмирланганининг ўзи тарихимизда илгари ҳеч кўрилмаган улкан ҳодисадир.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида махсус дастурлар бўйича 1 минг 200 та болалар спорти объекти барпо этилгани, 278 та мусиқа ва санъат мактабини янгитдан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг жорий қилиш, ўқув-машғулот ва лаборатория хоналарини ташкил этиш, дарслик ва қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, малакали педагог ва мураббий кадрлар тайёрлаш учун қанча-қанча меҳнат, куч ва маблағ сарфлангани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Яна бир муҳим томони — узоқни кўзлаб амалга ошираётган бундай ишларимиз нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини, балки бутун жамиятимиз, аввало, ёшларимизнинг дунёқарашини, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савиясини ўзгартириб, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан айниқса эътиборлидир.

Албатта, олдимизда турган эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида яратилган барча кенг имкониятлар эътироф этилаётган бир пайтда, биз энг аввало бунёд этилаётган шароитларга бамисоли жон ва куч бераётган, уларни ишга солаётган муаллим ва мураббийларнинг оғир ва масъулиятли меҳнатининг ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб, уларни муносиб қадрлаш ва баҳолаш барчамизнинг доимий эътиборимиз марказида туришини яхши тушунамиз.

Айни шу мақсадда педагог ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш бўйича янги тизим жорий этиш, ўқитувчилик, мураббийлик, маърифат соҳасида жонкуярлик ва фидойилик кўрсатаётган инсонларни Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден-медаллари ва мукофотлари билан тақдирлаш масалаларини ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак, иншоолло.

Бу ҳақда фикр юритар эканмиз, диққатингизни яна бир масалага жалб этишни истардим. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги йилларда педагогика йўналиши бўйича олий ўқув юртларига ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони энг юқори кўрсаткични, яъни 22,6 фоизни ташкил этмоқда.

Агарки, бу ниманинг далолати, деб сўраса, мен, бу биринчи навбатда мамлакатимизда ўқитувчилик чиндан ҳам шарафли касбга айланаётгани, ёшларимиз ўз ўрним, ўз бахтимни айнан шу касб орқали топаман, деб астойдил интилаётганининг далолатидир, деб айтган бўлардим.

Биз мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳаётимизни янада эркинлаштириш ҳисобидан дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторига киришни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйган эканмиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларни асло бўшаштирмасдан, янги ва юксак босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Барчамизга аёнки, бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун турли интилиш ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда миллий ўзлигини, кимнинг, қандай буюк зотларнинг вориси эканини, Ватан туйғусини чуқур англайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодгина бизга ёт ва бегона бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади.

Фарзандларимизни ана шундай эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашда менинг энг яқин маслақдошим, кўмакчим ва суянчим бўлган сиз, муҳтарам муаллим ва мураббийлар ўзингизнинг билим ва тажрибангизни, куч-ғайрат ва маҳоратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларимга — юртимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга Ватанимизнинг бугунги равнақи, эртанги истиқболи йўлидаги масъулиятли меҳнатингиз учун халқимиз номидан, ўз номимдан яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни қутлуғ байрамингиз билан самимий табриклаб, сизларга янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Умрингиздан барака топинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ДОИМ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

■ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёш авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган, замонавий билим ва тажрибани эгаллашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жамиятимиз ҳаётининг ҳал қилувчи кучига айлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бундай масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда жонкуяр педагоглар, ғамхўр мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланмоқда.

29 сентябрь куни Тошкенддаги «Туркистон» саройида ушбу байрам муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларининг илғор ўқитувчилари, жонкуяр мураббийлар, бўлғуси муаллимлар — талаба-ёшлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

➔ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Астанов Бахшилло Тешаевич — Жондор туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Норбутаева Рабия Юлдашевна — Қарши транспорт касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Нормухамедова Гулчехра Нуримовна — Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Розумбетов Ибадулла Шарипович — Тўрткўл туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тошпулатова Гулнора Абдирасуловна — Нуробод туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Ахадова Дилбархон Абдумаликовна — Наманган туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Бегимқулова Ханифа Кулниязовна — Қумқўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Гаппарова Зульфия — Сардоба туманидаги Бўстон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

Каримов Юлдош Халилович — Бахмал туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Курбанов Марат Галиевич — Яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бокс бўйича катта мураббийи, Бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи

Мансуров Тайирхон Темирович — Чиноз туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

(Давоми 2-бетда.)

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш — давр талаби

■ Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳада, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий ахборотлашган жамиятни шакллантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «коммуникация тизимларини ривожлантириш ҳақида гапирганда, юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантириш биз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш даркор. Бугунги кунда ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, интернет, мобиль телефон алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди».

Мана шу масалаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан шу йил 28 сентябрь куни «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси анча ривожланди, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ўстиришда ва аҳолига хизмат кўрсатишда уларнинг аҳамияти ошди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсиб бормоқда, энг янги техника ва технологиялар жорий қилинмоқда. Барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилган, шаҳарлараро магистрал ва вилоят ичидаги алоқа линияларида умумий узунлиги 12 минг километрдан ортиқ толали-оптик кабель ҳамда рақамли радиореле линиялари ётқизиш ишлари амалга оширилди, энг янги телевизион узаткичларни модернизация қилиш ва ўрнатиш ишлари олиб борилди, минтақаларда радиога симсиз уланиш тизими жорий қилинди. Ўзбекистон телекоммуникациялар тизими тўғридан-тўғри халқаро каналларга эга бўлиб, дунёнинг 180 мамлакатига чиқа олади, бунда толали-оптик ва йўлдош тизимидан фойдаланилади.

(Давоми 2-бетда.)

Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш учун

аввало тинчлик, осойишталик, хавфсизлик зарурдир

ЎзХДП: фракция фаолияти

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида жаҳон, хусусан, Марказий Осиёдаги энг долзарб масалалар кўтарилгани ҳамда уларнинг конструктив ечимлари таклиф этилгани дунё жамоатчилиги эътиборини тортди. Айни пайтда халқаро ҳамжамият Юртбошимиз илгари сурган фикрларга ўз муносабатини билдириб, БМТ Мингйиллик декларациясида белгиланган эзгу мақсадларга тўлиқ эришишда бу ғояларнинг нақадар муҳимлигини таъкидламоқда.

Мамлакатимизда ҳам давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан Президентимиз нутқида билдирилган фикрларни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда кенг тарғибот қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар ташкил этилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси, қуйи палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати ҳам ана шу масалага бағишланди.

Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, экспертлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари Президентимиз нутқида нафақат Марказий Осиёда, балки дунёда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича аниқ таклиф ва ғоялар илгари сурилганига алоҳида эътибор қаратишди.

(Давоми 2-бетда.)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Менглиева Гулчеҳра Маҳмудовна — Навоий давлат кончилик институти қошидаги 2-академик лицейи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Милладжанова Хосият Мадаминовна — Марғилон миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси,Фарғона вилояти

Нишанов Мадаминжон — Пахтаобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хусаинова Зухра Маткаримовна — Урганч шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ордени билан

Наризова Иба Кушжановна — Конимех туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг директори, Навоий вилояти

Сафаров Уриш Нишонович — Оққўрғон туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Султанова Сунажан Матякубовна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ордени билан

Алимов Ғайрат Маъсудович — Нурота қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Бобоназарова Халима — Нарпай туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ганиев Исламкул Туйчиевич — В.Успенский номидаги Республика мусиқа академик лицейининг ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Камалова Паршагуль Даулетмуратовна — Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Киямова Зульфия Султановна — Қарши шаҳридаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мавланова Хафиза Шариповна — Сирдарё туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мамадалиев Исомиддин Имомалиевич — Янгиқўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мамуров Эргаш Джуманович — Жиззах олимпия захиралари коллежининг белбоғли кураш бўйича мураббийи, Жиззах вилояти

Матмуратов Ихтиёр Курбанбаевич — Шовот туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Петрова Раиса Олеговна — Олмалиқ кончилик касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Рахманова Раънохон Мухтаровна — Олтинсой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Рахматов Яраш Гадоевич — Ғиждувон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Холиқова Одинахон Носировна — Кува туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ҳалимов Тўра — Бухоро давлат университети қошидаги 4-академик лицейининг тарих фани ўқитувчиси

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ордени билан

Баратова Мурават Рахимовна — Бекобод тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Бобоева Нодира Маҳмудовна — Чироқчи туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тураев Фарход Рустамович — Яккама-якка кураш бўйича Республика Олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича мураббийи, Тошкент шаҳри

«ДЎСТЛИК» ордени билан

Алиева Шарофатхон Абдужалиловна — Хўжаобод туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Вишневская Лариса Георгиевна — Собир Раҳимов туманидаги 242-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Жалилова Мухаббат Мухамадовна — Қизилтепа туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ким Леонид Юнсенович — Юқоричирчиқ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг оғир атлетика бўйича мураббийи, Тошкент вилояти

Мардонова Дилшода Рамазоновна — Когон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

Назирова Раъно Содировна — Ёзёвон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Насирова Кунсулу Асаматдииновна — Мўйноқ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Небиев Решат Бедрединович — Сирдарё туманидаги Малик агросаноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Рахманова Муяссар Гулимовна — Гурлан туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Родионов Георгий Васильевич — Самарқанд ахборот-коммуникация технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Рустамов Абдурахмон Нематович — Жиззах туманидаги Учтепа қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Тураева Менгнор Хасановна — Ғузор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шокирова Саодат Иргашевна — Тўрақўрғон туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Эшназарова Хурсанд Кайюмовна — Узун туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

«ШУҲРАТ» медали билан

Абдиева Рўзихол Якубовна — Олот туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Абдикамалова Хурлиман Абдиразаховна — Нукус педагогика коллежининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдуллаев Мухтор Саъдуллаевич — Янгиариқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Аннакулова Назокат Эшалиевна — Термиз шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ахмадалиева Саида Абдулхамидовна — Наманган шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Ахтаев Фарход Умирзақович — Пахтакор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Бекмуратова Арзаим Даулетмуратовна — Тахиатош шаҳридаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Бойматов Султон Қурашевич — Арнасой туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Болтаева Гулсина Файзуллаевна — Зафаробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Ботиров Шавкат Жонибекович — Қўшкўпир туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Вахобов Ахмаджон — Бўз туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ёрматов Илхомжон Ибрагимович — Данғара транспорт касб-ҳунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Фарғона вилояти

Ибрагимова Ойдин Абдурахимовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 525-мактабгача таълим муассасаси логопеди, Тошкент шаҳри

Избосаров Абдухошим Абдурашидович — Бешариқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Исмаилова Дильбар Мурахмедовна — Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Каипназаров Клишбай Каржауевич — Нукус туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каюмова Махмудахон — Наманган шаҳридаги Давлатобод енгил саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Қулманова Улжан Туйчиевна — Пахтачи туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Кушаев Рахимжан Балтабаевич — Амударё туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мирзаев Обиджон Мўминович — Ўзбекистон туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзаева Угилой Хакимовна — Ховос туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мирзаева Фароғат Жураковиловна — Қарши давлат университети қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Мирмахсудова Мавлуда Буриевна — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Набиева Парида Расулматовна — Ангрен шаҳар кимё саноати касб-ҳунар коллежининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Раматуллаева Оразгул Салиевна — Тахиатош ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Расулов Абдусалим Шаймарданович — Шеробод туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Расулова Максад Пармановна — Қамаши туманидаги 4-меҳрибонлик уйининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Рафиева Дилфуза Турсуновна — Ғиждувон қурилиш ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рахманова Иноят Мухтаровна — Олтинсой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Сабуров Мақсудбек Жуманиязович — Хива қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Сайибов Бегдулла Ташанович — Хатирчи туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Сапаров Мамадиёр Ражабович — Оқдарё маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

Сулайманов Абдулхафуз Рузиматович — Избоскан туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ташанов Раббим Уролбоевич — Булунғур туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича бош мураббийи, Самарқанд вилояти

Темирбаева Муккарам Калбаевна — Ўртачирчиқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Усманов Қодиржон Асқарович — Чортоқ туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Файзиев Тохирбой Жахпарович — Паркент туманидаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Фаттахов Мирзахмад Азизович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги академик лицейининг физика фани ўқитувчиси

Хакимова Хавасхон Маматкаримовна — Қувасой саноат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Халилова Мамлакат Камоловна — Бухоро туризм касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хамракулова Махабатхон Абдураимовна — Бўз педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

Хужакулова Гулбиби Раббанаевна — Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Хусанова Раъно Абдуллаевна — Поп қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Шарипова Мохира Ахматовна — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг кимё-биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Шодмонова Дилором Бахромовна — Қарши туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шукурова Муборак Сайтқосимовна — Марҳамат туманидаги ўқувчиларнинг «Биоэкосан» маркази директори, Андижон вилояти

Шукурова Қурбаной Абдуразаковна — Сардоба туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Эгамбердиева Малохат Носировна — Жомбой туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Эсанов Элмурод Холиқович — Миришкор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Якубов Махмадрахим Сариевич — Узун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ғаниев Шерали Ўроқович — Оқдарё туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ҳакимова Танзила Нориевна — Кармана туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 29 сентябрь

Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш учун

аввало тинчлик, осойишталик, хавфсизлик зарурдир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Ватанимиз мустақил давлат сифатида қисқа муддат ичида иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан улкан марраларни қўлга киритди. Юртбошимиз томонидан асослаб берилган мамлакатни ислоҳ қилишнинг ўзбек модели бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан ривожланишнинг ўзига хос тараққиёт йўли сифатида эътироф этилмоқда ва ўрганилмоқда.

Айниқса, кўпгина давлатларни ларзага келтирган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида тараққиётнинг пухта ўйланган ўзбек модели ўзининг афзаллигини исботлади. Ўзбекистон дунёдаги камсонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаганини халқаро мутахассислар қайд этишмоқда.

Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг энг муҳим тамойилларидан бири, бу — кучли ижтимоий сиёсатдир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишга қаратилган. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоиздан ортиқроғи ижтимоий соҳага йўналтирилиши бунинг яққол тасдиғидир.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ўсиш, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик натижасида Мингйиллик ривожланиш декларациясида белгилаб берилган, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши курашиш йўналишларида бугун юртимизда бениҳоя катта ишлар амалга оширилмоқда.

Тинчлик ва хавфсизлик бўлмаса, ҳеч қандай эзгу мақсад, барқарорликка эришиб бўлмаслиги оддий ҳақиқатдир. Президентимиз ўз чиқишида алоҳида қайд этганидек, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда жиддий тўсиқлардан бири — дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган урушлар ва тўқнашувлардир. Афғонистондаги ҳозирги вазият бунга яққол мисолдир.

Ўзбекистоннинг бу соҳадаги қатъий позицияси шундан иборатки, Афғонистонда барқарорликни ҳарбий йўл билан амалга ошириб бўлмайди. Бунда Ўзбекистон 2008 йилда таклиф этган БМТ шафеълиги остида 6+3 мулоқот гуруҳи муҳим ўрин тутиши мумкин. Халқаро ҳамжамият томонидан маҳаллий аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда афғон халқининг кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари ҳурмат қилиниши зарур.

Акмал САИДОВ,
Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси:

— Жаҳондаги 192 мамлакат аъзо бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида Ўзбекистон фаол иштирок этиб келмоқда. Ўз ташаббусларини илгари сурмоқда. Президентимиз 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам жуда долзарб масалаларга эътибор қаратган, Орол фожиаси, Афғонистон масаласига алоҳида тўхталган эди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатида бу муаммоларни бартараф этишга алоҳида аҳамият қаратиб келаётганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришиш борасида ҳам жуда улкан ишлар амалга оширилди. Бугун дунёдаги кўплаб ривожланган давлатлар арбоблари, таниқли иқтисодчилари, сиёсатчилари Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш керак, деган фикрни билдирмоқда.

Юртимизда ижтимоий ҳаёт фаровонлашиб бораётгани, инсон омили биринчи ўринга қўйилаётгани, фуқаролар муносиб турмуш кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганини биргина оналар ўлими икки баравардан кўпроқ, болалар ўлими уч баравар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши 75 ёшгача ошганида ҳам кўриш мумкин. Ана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда эришилган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган тамойилларга тўла мос келади, деб айтишга етарли асослар бор.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси;

— Мингйиллик ривожланиш декларациясида белгиланган мақсадларнинг бири экология, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ. Ҳаммага аёнки, Орол фожиаси сабабли минтақамизда ўта оғир экологик вазият юзага келди. Бу нафақат бир ёки икки мамлакат ёки минтақа, балки бутун дунёнинг жуда катта муаммоси эканини Президентимиз ҳар доим уқтириб келади. Бу гал ҳам мазкур масалага алоҳида тўхталиб, Орол фожиаси яқин ўтмишда экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг аччиқ сабоғи эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Орол денгизининг қуриши давом этаётган ва унинг атрофида гуманитар ҳалокат содир бўлаётган бир вақтда, айрим давлатлар томонидан мазкур минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юборадиган ҳаракатлар содир этилаётгани, халқаро ташкилотлар, халқаро экспертлар ва мутахассислар томонидан маъқулланмаган, халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келувчи лойиҳалар амалга оширилаётгани БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига ҳам, минтақа аҳолиси манфаатига ҳам, мантиққа ҳам мутлақо зиддир.

Дунёда тинчлик, барқарорлик, экологик мусаффо ҳаёт учун кураш кетаётган бир пайтда, мазкур давлатлар нафақат ўзи учун, балки дарёлар қуйи бўғинида яшаётган миллионлаб аҳоли учун ҳам ўнглаб бўлмас муаммолар орттираётганини англаб етмаётгани кишини ҳайратга солади. Юртбошимиз кўтарган Орол муаммоси билан боғлиқ масала жаҳон ҳамжамияти томонидан тобора фаол қўллаб қувватланаётгани ушбу экологик хавф-хатарнинг олди олинишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, давра суҳбатида сўзга чиққан депутатлар масаланинг турли жиҳатларига эътибор қаратдилар. Юртбошимизнинг Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни кучайтириш, Ўзбекистонда БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш борасида парламент олдида турган вазифалар ҳақида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов фикр юритди.

Давра суҳбати иштирокчилари Президентимиз нутқида илгари сурилган масалалардан келиб чиқиб, депутатларнинг вазифаларини белгилаб олдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш — давр талаби

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантириш ва амалиётга жорий қилиш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва уни қатор йўналишлар бўйича экспорт қилишни ривожлантириш юзасидан муайян ишлар қилинди, электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш бўйича бешта марказ тузилди. Бугунги кунда электрон рақамли имзолар калитлари сони 80 мингдан ортиқроқни ташкил этади. Солиқ инспекцияси ва статистика органларида давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда қабул қилиш тизимини жорий этиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

«Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш мақсадида Тошкент шаҳрининг телекоммуникация тармоғи рақамли станциялар асосида бутунлай реконструкция қилинди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг қўшимча хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сони 200 минг кишидан ортиқни ташкил этади. Тошкент шаҳрида республика телекоммуникация тармоқларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими яратилган, уларга алоқа операторлари тармоқларини улаш бўйича муайян ишлар олиб борилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида бу тизимга халқаро коммутация марказининг, «UzNet» маълумотлар узатиш тармоғининг филиали, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг оптик магистрал ҳалқаси ва «EAST Telecom» қўшма корхонасининг транспорт тармоғининг бошқарув тизимлари уланган. Бухоро вилоятида ушбу автоматлаштирилган бошқарув тизимига халқаро коммутация маркази тизимлари ва «Uz Mobile» симсиз уланиш тармоқлари уланган. Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун Тошкент шаҳрида 850 га яқин ва Бухоро вилоятида 150 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектга лицензия берилган.

«Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида компьютерлаштириш маркази ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари ахборот-коммуникация технологияларини туман ҳокимликлари ва уларнинг бошқарув тузилмалари фаолиятига жорий қилишни жадаллаштириш ҳамда электрон ҳужжат айланиши тизимини қўллашдан иборат. Бугунги кунда шаҳар ҳокимлиги билан туман ҳокимликлари ўртасида ахборот алмашишнинг корпоратив тармоғи ишлаб турибди, «Microsoft Share Point» дастурий таъминоти базасида электрон ҳужжат айланиши тизими ташкил этилган.

Худди шундай марказ Бухоро вилояти ҳокимлигида ҳам ташкил этилган. Электрон ҳужжат айланиши тизими вилоятнинг 52 та йирик корхона ва ташкилотида йўлга қўйилган бўлиб, уларда электрон ва рақамли имзолар калитларидан фойдаланилмоқда.

Масалани кўриш асносида сўзга чиққан сенаторлар ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари юқорида айтиб ўтилган қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада оширишга эътибор қаратдилар. Хусусан, замонавий ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланиши тизимидан самарали фойдаланиш, инновацион технологияларни кенг қўллаш ҳисобига янги замонавий хизмат турларини жорий қилиш, сервис инфратузилмасини ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўшимча иш ўринлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, электрон ҳужжат айланиши тизимида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Масалани сенаторлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кўриб чиқиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎзА)

ДОИМ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАСИЗ, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Истиқлол йилларида юртимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан атрофлича танишиш, фаол, фидойи изланувчан ва ташаббускор ўқитувчиларнинг меҳнат фаолияти, ижобий иш тажрибасини таҳлил этиш мақсадида тадбир қатнашчилари Тошкент шаҳридаги қўплаб олий, ўрта махсус, умумий ўрта таълим даргоҳлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, бадиий ижодиёт марказлари, маънавият ва маърифат масканлари, ахборот-ресурс марказларида, музей ва театрларда бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимизнинг 2010 йил 29 сентябрдаги фармонига мувофиқ Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона тизимни шакллантириш, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ касбни эгаллашига яқиндан кўмаклашишга хизмат қилмоқда. Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, жаҳон андозалари даражасидаги таълим муассасаларини барпо этиш, уларни энг замонавий ўқув-услубий жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги эзгу ишларда таълим муассасаларини малакали ўқитувчилар билан таъминлаш, педагог кадрлар таркиби сифатини янада ошириш, соҳа учун юксак билим ва ижодий интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими яратилди. Ўқитувчиларнинг меҳнатини эъзозлаш ва қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш,- улар учун муносиб меҳнат шароитини яратишга оид ибратли саъй-ҳаракатлар педагогларни янада фидойи бўлишга, ўз устида изланишга, ишга ижодий ёндашишга даъват этмоқда.

Баркамол авлод йили деб эълон қилинган 2010 йилда барча ўқув муассасаларининг моддий-техник базасининг сақланиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган механизмни яратиш, давлат таълим стандартлари ва улар асосида ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг мукаммал услубини яратиш, педагогларнинг ўқув иш юкламаларини белгилаш ва тақсимлаш тартибининг сезиларли тарзда енгиллаштириш юзасидан улкан ишлар бажарилди.

— Таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар баркамол авлодни вояга етказиш, уларни жамиятимизнинг таянчи ва суянчига айлантиришда ўз самарадорлигини намоён этмоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб-интернат директори Камолиддин Ғопиров. — Ўқитувчилик касби улуғланиб, биз — педагогларга чексиз меҳр ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бундай эзгу ишлар соҳа ходимларидан ўқув тизимининг сифатини янада кўтариш, ўғил-қизларни пухта таълим олиши билан бирга, уларнинг маънавиятини юксалтиришга, яратилаётган имкониятлардан унумли ва оқилона фойдаланишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 2010 йилда ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши педагоги» республика кўрик-танловлари ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 15-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Феруза Эрқулова, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви райсининг биринчи ўринбосари Раҳматилла Шералиев таълим-тарбия, маънавият ва маърифат соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларни Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Ўқитувчилик касбини эъзозлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, муносиб меҳнат шароитини яратиш юзасидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

«Туркистон» саройи фойесида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон адабиётлар, болалар бадиий ижодиёти намуналаридан иборат кўргазма ташкил этилди.

Тантанали йиғилиш сўнгида катта байрам концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

СОҲАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ, УЛАРНИ ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЖИҲОЗЛАР, КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЮЗАСИДАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Тадбир

■ Халқ таълими вазирлиги Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани ўтказди.

Таълим сифати — юртнинг қудрати

Анжуман учун бу таълим муассасасининг танлангани бежиз эмас. Чунки Мустақиллик байрами арафасида қуриб фойдаланишга топширилган лицейнинг муҳташам биноси ва замон талабларига мос жиҳозланган хоналари Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига асосан юртимизда бунёд этиладиган 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун намуна вазифасини бажаради. Тадбир олдидан лицей бўйлаб уюштирилган саёҳатда халқаро мусиқа фестивалларида совриндор бўлган лицей ўқувчиларининг жаҳон классик ва мумтоз наволарини жозибадор ижро этиши ОАВ ходимларида унутилмас таассурот қолдириши билан бирга, таълим ислоҳотлари натижасида юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини ва ана шундай иқтидорли ёшларни кўпроқ тарғиб қилиш масъулиятини оширди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда 1500 дан зиёд мактаб янгидан қурилди, қолган 8 мингдан қўпроғи тубдан таъмирланди. Ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларига давлат томонидан 1,4 триллион сўм ажратилди. Замонавий жиҳозланган мактабларимизда 7149 та физика, 6896 та кимё ва биология лабораториялари, 5091 та компьютер хонаси, 6151 та спорт зали (улардан 674 таси янгидан қурилди), 1188 та болалар спорт иншооти (улардан 1123 таси янгидан бунёд этилди) бор. Бугунги кунда 7657 та мактаб беқиёс ахборот маконига эга «Ziyo NET» тармоғига уланган бўлса, 1157 та мактабда замонавий ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Кейинги беш йилда 314,3 миллион нусха дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр қилинди. Хуллас, Халқ таълими вазирлигидаги 9772 та мактабда фаолият кўрсатаётган 442219 нафар (улардан 305359 нафари аёллар) ўқитувчи-мураббийлар ёш авлодга сифатли ва самарали таълим-тарбия беришлари учун зарур шарт-шароит яратилди.

— Мен ўқиган мактаб ҳам мослаштирилган кўримсиз бино эди, болалар китоб-дафтарларини халтага солиб келарди, — дейди анжуманда қатнашган, Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвони билан мукофотланган Камолиддин Ғопиров. — Ҳозир мактабларимиз кўриниши, фан хоналарининг жиҳозланиши, болаларнинг кийиниши ва ўқув қуролларига қараб ҳавасингиз келади. Ўзим бошқараётган Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб-интернат биносини тиклаш-таъмирлаш ишларига 2002 йилда 73 миллион сўм ажратилди. Барча фан хоналаримиз жиҳозлаб берилди. Бу таълим сифати самарадорлигини оширди. Ҳозиргача мактабимизни 558 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 421 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Ўқишни битирганларнинг кўпчилиги мактабимизга ишга келди. Бу юртимиздаги таълим ислоҳотларининг тантанаси, десак, муболаға эмас.

Матбуот анжуманида Халқ таълими вазирлиги мутасадди ходимлари мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилган улкан ислоҳотлар тўғрисида маълумот беришди ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди. Анжуман сўнгида орган мусиқа асбобида лицей ўқитувчиси ва ўқувчиси томонидан ижро этилган Иоганн Себастьян Бахнинг боқий тароналари қатнашчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Асрор МЎМИН

Хорижда

Тартиб янада қатъийлаштирилди

назорат кучайтирилди

■ Канада Транспорт вазирлиги кўрсатмасига биноан мамлакат аэропортларида назорат янада кучайтирилиб, тартиб қатъийлаштирилди.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, эндиликда барча авиайўловчиларнинг юзлари очиқ, яъни ёпинчиқсиз бўлиши шарт. Агар боши тиббий «бинт» билан ўраб-чирмалган бемор йўловчи парвоз этадиган бўлса, ёнида, албатта, боши «бинт»ланганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома бўлиши шарт. Акс ҳолда, унинг самолётга чиқишига рухсат берилмайди.

Шунингдек, йўловчилар ҳужжатларини текшириш тартиби ҳам кучайтирилди. Агар йўловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги сурати (юз кўриниши) йўловчининг айни пайтдаги кўринишига унча ўхшамаса, яъни йўловчининг мўйлови йўқ бўлса-ю, суратдаги аксида бор ёки аксинча бўлса, унинг ҳам парвоз этишига рухсат берилмайди. Тартибнинг бу ҳолда кучайтирилишидан асосий мақсад, дейилади аэропорт вакилининг баёнотида, хавфсизлик чораларини янада қатъийлаштиришдир.

Ҳокимиятни бериш ҳақида

гап бўлмади

■ Шимолий Корея пойтахти Пхеньянда мамлакатдаги ҳукмрон Корея меҳнат партиясининг конференцияси бўлиб ўтди. 44 йилда илк бор ўтказилган бу конференцияда КХДР етакчиси Ким Чен Ир ўз меросхўрини, яъни ҳокимиятни кенжа ўғли Ким Чен Унга топшириши ҳақида айрим ахборот агентликлари аввалдан башорат қилган эди. Бироқ ундай бўлмади. Конференцияда 68 ёшли Ким Чен Ирнинг ўзи партия бош котиблигига қайта сайланди.

Корея марказий телеграф агентлигидан олинган манбаларга асосланиб «Синхуа» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Экспертларнинг гапларига қараганда, Ким Чен Унга ҳокимиятни топширишига ҳали эрта. Негаки, у энди 27 ёшга тўлди, ҳаётий тажрибаси кам. Лекин шундай бўлса-да, дейилади ОАВ хабарларида, уни ҳокимиятга яқинлаштириш учун биринчи қадамлар ташланди. Яқинда мамлакат етакчиси унга генераллик унвонини берди.

Эслатиб ўтамиз: 1980 йили партия съездида Шимолий Корея етакчиси Ким Ир Сен ўз ўғли Ким Чен Ирни ҳокимият меросхўри, деб расман эълон қилган. 1994 йили Ким Ир Сен вафот этгач, ҳокимият тепасига аввалдан белгиланганидек, Ким Чен Ир чиқди. Шимолий Корея мафкуравий назариясига кўра, сиёсий инқилобни бир авлод ҳаёти давомида охирига етказиб бўлмайди. Шу боис ҳокимият авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиши керак — инқилобни охирига етказиш учун.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ПОЙДЕВОРИ

Маънавий-ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади.

Ислом КАРИМОВ

Таълим ва ислоҳот

■ Давлат сиёсатининг устуворлиги мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги ва юрт осойишталигини таъминлашга хизмат қиладиган йўлни нечоғли тўғри аниқлаб олингани билан белгиланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос ва мос тамойиллари ҳаётийлигини, юксак самараларини бугун дунё ҳамжамияти тобора кенгроқ эътироф этмоқда. Бунинг бир мисоли сифатида таълим-тарбия соҳасида белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни кўришимиз мумкин.

Истиқлол йилларида билимли, соғлом, ватанпарвар, мустақил фикрга, янги тафаккурга эга баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси ислоҳотлар марказига қўйилди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар жиҳатдан етук, фидойи ана шундай ёшларни тарбиялашда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ғоясига асосланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосий қўлланма бўлди. Миллий дастурнинг асосий мақсади комил инсонни, баркамол авлодни тарбиялаш, ўз халқи манфаатлари, ўз Ватанига садоқатли шахсни вояга етказишдир. Юртбошимиз бу ҳақда шундай деган эди: **«Миллий дастурни амалга оширилиши ҳеч муболағасиз бизнинг бош мақсад — фаровон кучли демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси бўлмоғи керак».**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширила бошланганига 13 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида янги мазмун-моҳиятга эга, аниқ мақсадга йўналтирилган янги узлуксиз таълим тизими жорий этилди. Давлат ўз зиммасига фарзандларимизни 12 йил бепул ўқитиш ва ўз хоҳиш-қобилиятларига кўра касб-ҳунар ўргатиш кафолатини олди. Бу таълим тизимига тубдан янги мазмун берди. Айни вақтда биргина ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида 1536 та таълим муассасаси — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 143 таси академик лицейлардир.

Давлат бюджетидан таълим учун ажратилаётган харажатлар доимий равишда йил сайин ортиб бормоқда ва ҳозирги кунда ҳам барча халқаро кўрсаткичларга таққосланганда, жуда юқори даражани ташкил қилмоқда. Жаҳон тарихи Ўзбекистон Республикаси каби ёшлар тарбиясига бирламчи аҳамият бериб, ўз ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизини таълим тизимига сарф қилаётган бошқа бир давлатни билмайди. 1998-2009 йиллар давомида фақатгина қурилиш ва реконструкция ишларига 2,5 триллион сўм маблағ ажратилган. Жорий йилда ҳам давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи бевосита ижтимоий соҳага йўналтирилган.

Таълим соҳасига кўрсатилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Фарзандларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида ўз истеъдодларини намоён этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини тобора ёрқинроқ исботлашмоқда. Масалан, сўнгги 10 йил мобайнида 100 дан ортиқ ўқувчиларимиз жаҳон фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, жорий йилда ўтказилган 44-халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 2 та бронза медали ҳамда 6 рағбатлантирувчи дипломга эга бўлди. Шунингдек, иқтидорли ёшларимиз халқаро математика олимпиадасидан 4 та кумуш ва битта рағбатлантирувчи диплом билан қайтишди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Ниҳол», Зулфия номидаги Давлат мукофотлари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари ҳам ўзининг ижобий маҳсулини бермоқда.

Жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши — бу нафақат аввалги йилларнинг мантиқий давоми, балки «келажакка кўз ташлаш» бўлди, яъни диққат-эътибор давлат ва жамиятнинг энг асосий вазифаси, халқимизнинг энг муқаддас ва олий мақсади — баркамол авлод тарбиясига қаратилди. Бу Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий давлат дастурининг амалга оширилиши натижаларига яна бир бор эътибор қаратиш, эртанги кун вазифаларини белгилашга даъватдир.

Мустақил шахсни шакллантириш жараёни узоқ ва мураккаб бўлиб, бир томондан, барча давлат тузилмалари ҳамда ижтимоий ташкилотларнинг, айниқса, таълим тизими мазмунининг такомиллаштирилишини, иккинчи томондан эса бевосита ушбу масалани амалга оширишни таъминловчи ягона тарбия тизимини барпо этишни тақозо этади.

Японияда русум бўлган бир одат диққатга сазовор. Таълим муассасаларида ҳафтада бир кун миллий тарихий анъаналар, қадриятларни ўрганиш учун ажратилади. Халқимизнинг бой маънавий-маданий тарихи, миллий анъаналаримизни ҳисобга олиб фикр юритадиган бўлсак, бу борада жуда катта имкониятларга эгамиз. Фақат булардан самарали ва тизимли фойдаланишимиз лозим бўлади.

Таълим-тарбия ва жамият бир-биридан ажралмас, ягона бир тизимдир. Шунинг учун ҳам жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришлар, ислоҳотлар албатта, таълим соҳасининг ҳолатига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Давлат ва жамият — таълим тизими фаолияти ва ривожланишининг кафолати бўлиб, унинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишларини белгилайди.

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократлаштириш, чинакам фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни бунёд этишни эса таълим-тарбиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, тарбия тизими мамлакат ривожланишининг стратегик мақсадлари — баркамол авлод тарбияси, кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга эришишнинг қатъий шарти ва қудратли омили, давлатимиз юксалишида асосий пойдевор бўлиб ҳисобланади.

Шавкат ҚУРБОНОВ,
профессор.

СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ —

Мақсад — жаҳон чемпионатига йўлланма олиш

■ 3-17 октябрь кунлари Хитойнинг Зибо ва Линзи шаҳарларида футбол бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилади. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «В» гуруҳида Ироқ, Баҳрайн ҳамда КХДР футболчиларига қарши майдонга тушади. Ёшларимиз 3 октябрь куни КХДР, 5 октябрда Баҳрайн, 7 октябрда ироқлик тенгдошлари билан ўйнайди.

Чемпионат низомига мувофиқ, ҳар бир гуруҳдан иккитадан кучли жамоа кейинги босқичга йўлланма олади. Қолган гуруҳлардан қуйидаги жамоалар ўзаро баҳс юритишади: **«А» гуруҳи:** Хитой, Таиланд, Сурия, Саудия Арабистони; **«С» гуруҳи:** Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам, Иордания, Япония; **«Д» гуруҳи:** Жанубий Корея, Австралия, Яман, Эрон.

Мусобақа низомига кўра, энг кучли тўрт жамоа келаси йили Колумбияда ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "DIYORA BENEFIT" хусусий корхонаси ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартиради.
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.

Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университети томонидан 2003 йил 21 июнда Маматов Алишер Шодмонович номига берилган B№117946 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Хонқа туман партия кенгаши раиси ўринбосари, вилоят партия кенгаши аъзоси Ўктамбой Сабировга онаси
Зухра САБИРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Зиёдулла НОРМУРОДОВ олган суратлар.

Касб-ҳунари борга иш етарли

Ижтимоий ҳимоя

■ Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган мазкур тадбирда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 205 та корхона ва ташкилот 7938 та бўш иш ўрнини таклиф қилди. Шунингдек, янги корхоналардаги 8648 та иш ўрнига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига мўлжалланган, 4676 та квота иш ўрни ҳам тавсия этилди.

Ярмаркада қуйидаги мутаҳассисликлар бўйича бўш иш ўринлари таклиф қилинди:

шифокор ва ҳамшира — 437 та, ўқитувчи-тарбиячи — 382 та, иқтисодчи-ҳисобчи — 152 та, тикувчи, бичувчи, йиғувчи — 295 та, муҳандис-механик — 482 та, қурувчи — 1019 та, чилангар-сантехник — 370 та, ҳайдовчи — 1124 та, электрик — 285 та, кран машинисти — 123 та, электрогаз-пайвандчи — 177 та.

Кўриниб турибдики, қўлида ҳунари бор ҳар бир кишига иш ўринлари етарли.

Шу ўринда ўйлаб кўрайлик, ҳалиҳануз дунёда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида кўплаб давлатларда миллионлаб одамлар ишсиз қолаётган, иш ўринлари қисқариб бораётган бир пайтда бизда ниманинг ҳисобига янги иш ўринлари яратилаяпти. Биргина ана шу мисолнинг ўзи ҳам танлаган тараққиёт йўлимиз қанчалик инсонпарвар эканлигини кўрсатиб турибди.

Ярмаркада ташкилий ишлар юқори даражада йўлга қўйилган. Ҳар бир корхона ва ташкилот туманлар бўйича тартиб билан алоҳида жойлашган. Мурожаат қилувчиларга қулай бўлиши учун қанча бўш иш ўринлари мавжудлиги, лавозими ва маошигача ёзиб қўйилган.

Сарвиноз ОЧИЛОВА, Сергели тиббиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси:

— Касбим бўйича ўзимга мос иш қидириб келдим. Ярмаркада тавсия этилган бўш иш ўринларидан ўзимга ҳар жиҳатдан мосини танладим. Чилонзор туманида жойлашган 36-поликлиникада маҳалла ҳамшираси ўрни бўш экан. Ўша ерга йўлланма олдим.

Дилафрўз МИНАВАРОВА, Халқ банкининг Юнусобод туман филиали ходимлар билан ишлаш бўлими мутахассиси:

— Ярмаркада 4 та бўш иш ўрни билан иштирок этяпмиз. Мурожаат этувчиларнинг сони кўп. Улар орасидан керакли ходимни саралаб олишимиз икки томон учун фойдали бўлади. Ойлик маош билан бир қаторда яратилган зарур шарт-шароитлар ҳақида ҳам маълумот бераяпмиз.

Улуғбек ЁДГОРОВ, ЎзМУ битирувчиси:

— Ярмаркада мутахассислигим бўйича бир нечта бўш иш ўринларини учратаман деб ўйламагандим. Шунинг учун уларни ён дафтарчамга ёзиб қўйдим. Ойлик маошлари ҳам мен ўйлагандан кўпроқ экан. Ота-онамга бу ҳақда телефон орқали гапириб бердим. Улар жуда хурсанд бўлиб кетишди. Энди иш шароитлари билан танишиб, ўзимга маъқулини танлаб оламан.

Меҳнат ярмаркаси иштирокчилари орасида фарзандлари билан бирга келган кўплаб ота-оналарни ҳам учратдик. Улардан бири **Сабоҳат ҒАНИЕВА** шундай деди:

— Ўғлим Диёсбек яқинда ҳайдовчилик курсини тамомлади. Ярмаркада унга муносиб бўш иш ўринлари кўп экан. Ўзаро маслаҳатлашиб, ҳар томонлама қулайини танламоқчимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, фарзандларимиз ишли бўлиши учун шундай зарур шарт-шароит яратиб бераётган ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Саккизинчи тургача...

■ Ханти-Мансийск (Россия)да Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадаси давом этмоқда.

Мусобақанинг олтинчи турида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Фарер ороллари шоҳмотчиларини 3:1 ҳисобида енгди, кейинги турда вакилларимиз исроилликларга имкониятни бой бериб қўйишди — 1,5:2,5.

Аёллар ўртасидаги учрашувларда мамлакатимиз шоҳмотчилари олтинчи турда испаниялик дугоналарини 2,5:1,5 ҳисобида доғда қолдиришди. Аммо еттинчи турда ҳамюртларимиз болгарияликларга худди шу ҳисобда ютқазиб қўйди.

Кеча саккизинчи тур ўйинлари ўтказилди. Унда эркаклар терма жамоамиз Россия-Украина бирлашган (IPCA — имконияти чекланган шоҳмотчилар) жамоасига, аёлларимиз эса индонезияликларга қарши дона сурди.

Олимпиада қатнашчиси Нодира Нодиржонова.

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси

Юртимиздаги барча устозларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади. Баркамол авлод тарбияси йўлида мустаҳкам соғлик-саломатлик тилайди

Байрам кунлари сиз учун манфаатли шартларга асосланган янги «Умид» омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 15 ой муддатга қабул қилиниб, фоиз даромадлари ҳар ой ҳисобланади ва омонат қолдиғига қўшиб борилади. Омонат бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари мижознинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.

АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Маълумот учун тел: 150-12-91. Интернет-сайт: www.halkbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд вилояти Пойариқ туманидаги 77-умумтаълим мактаби жамоасини ушбу таълим даргоҳини 1987 йилда тамомлаган собиқ ўқувчилар 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан самимий муборакбод этади!

Газетанинг навбатдаги сони 5 октябрь, сешанба куни чиқади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 225-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 225-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 235-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
7943 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.10
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda